

Халқаро космик станция энг сифатли фотосуратлардан бирини тақдим этди



12:34 / 07.09.2023 2623

Fact Scientist нашри интернет тармоқларида сайёрамизга оид ажойиб фотосуратни эълон қилди. Маълумотга кўра, ушбу фотосурат сўнги пайтларда олинган энг сифатли суратлардан бири экан. Унда Тинч, Атлантика океани, Чили, Аргентина, Уругвай, Парагвай давлатлари, Ернинг атмосфера қобиғи ҳамда орқа фонда Ойнинг суратини кўриш мумкин. Ушбу фотосурат Халқаро космик станцияда тасвирга туширилган. Fact Scientist нашри улашган мазкур расмга фойдаланувчиларнинг деярли барчаси маша Аллоҳ, ажойиб, гўзал каби изоҳларни қолдиришган. Чиндан ҳам ушбу фотосуратга аҳамият билан назар солган инсон сайёрамизнинг нақадар гўзаллигини ҳис қилади.